

Сурхондарёда юз нафар оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди



09:00 / 06.04.2023 783

Жорий йилнинг 4 апрель куни «Вақф» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти филиали томонидан муборак Рамазон кунларида 100 нафар кам таъминланган оилаларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Зеро, динимиз кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда имконияти чекланган шахсларга ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг оғирини енгил қилиш ҳамда мурувват ва саховат кўрсатиб, хурсандчилик улашишга чақиради. Бу каби хайрия ишлари юртимиз бўйлаб давом этмоқда.



